

1920 йил.. қиш... Лондон..

Ўрта ёшлардаги икки башанг кийинган эркак Пикаделли бурчагидаги тор кўча бошида тўхтади. Шу яқин орадаги қиммат ресторанларнинг бирида тушлик қилиб, яхши винодан тотиниб, кўнгилларини хушнуд қилиб чиқаётганди бу жаноблар.

Одамлар атрофини ўраб олган, 25 ёшлардаги, усти-боши бир аҳвол, ерда ётган йигит уларнинг диққати тортди.

— Буни қара, Сильтон!— ерда ётган кишига жирканиб қараркан бўйдор шеригига гап қотди хўппа-семиз джентельмен. — Ростини бундай нотовон ўлимтиқлар эътибор қилиб вақт сарфлашга арзимади. У ичкиликдан қаттиқ сархуш ёки ўлиб қолган.

— Мен тирикман... ва ўлгудай очман— дея ўрнидан кўзғалиб, унга тикилганча нималарнидир ўйлаётган Сильтонга қарата пичирлади бечора кимса. — очлик тинка мадоримни қуришиб хушсизлантирди.

— Реймер! — шеригига юзланди Сильтон. — Кўнгилхушлик учун ажойиб вазиятку бу ахир. Миямга жуда қизиқ бир фикр келди. Ростини айтсам, одатий кўнгил ёзишлардан зерикдим,— дея хаёлига келган фикрдан терисига сиғмас даражада завқланиб шеригига сўзлай кетди. — Фақат одамларни кўғирчоқдай ўйнатибгина чинакамига роҳатланиш мумкин.

Бу сўзларни Сильтон паст овозда айтгани ва атрофини одамлар ўраб олгани боис ерда ётган йигит бу суҳбатни ешитмади.

Реймерга буларнинг заррача қизиғи йўқ эди. У нафрат аралаш елкасини қисганча оғайниси билан хайрлашди ва тунни ўтказиш учун ўз клубига йўл олди. Сильтон эса одамлар ҳамда полиция кўмаги билан қаровсиз қолган йигитни отаравага ўтқазди.

Фойтон Гайстритдаги кичикроқ ресторанларнинг бири томон равона бўлди. Маълум бўлишича, бу бечоранинг исми Джон Ив бўлиб, у Лондонга Ирландиядан иш излаб лелган муҳожирлардан эди. Асли етим бўлган Ив ёшлик чоғида бир ўрмончи оиласида тарбияланган. Бошланғич мактабдан бошқа таълим кўрмаган йигитча 15 га чиққанда уни оталиққа олган киши вафот этади. Ўрмончининг катта фарзандлари янги ҳаёт излаб Америкага, Жанубий Уелсга ва Европага кетишади. Йигитча бироз муддат бир фермер кўлида ишлайди. Кейинроқ у қончилик, мотрослик машаққатларинида тотиб кўради. Кичик бир ресторанга хизматчи бўлиб ҳам ёнланади. 22 ёшида ўпкаси билан боғлиқ касалликка чалиниб бир муддат касалхонада даволаниб чиққач, омадини Лондондан излаб кўришга қарор қилади. Бироқ бу ердаги ишсизлик ва рақобат унга бу иш ҳам осон кечмаслиги исботлади. Ив паркларда, портларда тунаб юрди. Очликдан озиб-тўзиб қолди. Ва гувоҳи бўлганимиз шаҳардаги қатор-қатор савдо дўконлари ва омборларнинг эгаси жаноб Сильтонга дуч келди.

Сильтон турмушнинг бу каби ташвишларидан йироқ, пул эвазига кўлга киритиш мумкин бўлган барча нарсага эга 40 лардан ошган сўққабош эркак. У 20 миллион фунт қийматдаги мол-мулк соҳиби эди. Унга бечора Ив

билан боғлиқ режасини амалга ошириш хамирдан қил суғургандай осон юмуш. Ўзини айёрона режалар тузишга уста деб ҳисобловчи бу инсон ғариб йигит билан боғлиқ ўйинни ўйлаб топганидан бениҳоя ғурурланарди.

Содда йигит бироз ичкилик ичиб қорнини тўйдириб олгач Стилтонга ўз тарихини сўзлаб берди. Шунда бу бойвачча жаноб деди:

— Сизга эшитганда қувончдан кўзларингиз ёришиб кетадиган рад қилиб бўлмас таклифим бор. Мени диққат билан тингланг: сизга ўн фунтдан пул бериб тураман. Фақат бир шарт биланки, эртагаёқ шаҳарнинг марказий кўчасидаги уйлардан бирининг иккинчи қаватидан хона ижарага оласиз. Ҳар кеча соат бешдан ярим тунга қадар кўчага қараган дераза тоқчасида яшил қопламали чироқ ёқасиз. Белгиланган вақтда уйдан чиқмайсиз, ҳеч кимни қабул қилмайиз ва ҳеч кимса билан гаплашмайсиз. Кўриб турганингиздай ишни ҳеч бир қийинчилиги йўқ. Агар рози бўлсангиз ҳар ой келишилган пулни ўз вақтида етказиб тураман. Сизга менинг кимлигим сирлигича қолади.

— Агар ҳазиллашмаётган бўлсангиз, — бироз таҳлика ва ҳайрат билан жавоб қилди Ив — бундай саховатдан кейин ўзимни кимлигимнида унутишга розиман. Бироқ марҳамат қилиб айтингчи менинг бу тахлит фаровон ҳаётим қачонгача давом этади?

— Буниси энди қоронғу. Балки бир йил, балки бутун умр.

— Янаям яхши. Аммо сўрашга ижозат этинг, нима учун зарур бу чироқларнинг нур сочиб туриши?

— Сир! — кескин ва қатъий жавоб қилди Стилтон. — Чироқ сиз ҳеч қачон билмайдиган ишлар ва кишилар учун сигнал вазифасини ўтайди.

— Тушунарли. Аниқроғи мутлақо тушунмадим. Бироқ розиман. Пулни чиқаринг ва билиб қўйингки, Джон Ив ўзига юклатилган бу вазифани эртаданок адо этишга киришади. Эртадан бошлаб деразадан яшил чироқ нурлари тарала бошлайди!

Миллионер ва дайди орасидаги келишув шу тариқа амалга ошди. Ҳар иккаласи ҳам битимдан кўнгли тўлиб ўз йўлига равона бўлди.

Стилтон хайрлашаётиб деди:

— Зарурат туғилса «3-33-6»га мурожаат қилинг. Ва шуни ёдда тутингки, бир ойдан кейин, балки бир йилдан кейин сизни мутлақо бадавлат инсонга айлантириб юбориши мумкин бўлган одамлар олдингизга келишади. Бу қачон қай тарзда ва нима сабабдан содир бўлтшини сизга тушунтиришга ҳаққим йўқ. Лекин унутмангки, бир куни албатта шундай бўлади.

— Жин урсин! — шивирларди Ив изошга ўтириб жўнаб кетаётган Стилтоннингортдан ўйчан қараб турурган. — Ё бу одам ақлдан озган, ёки мен жудаям омадлиман, — қўлидаги 10 фунтга назар солганча хаёлидан ўтказарди йигит. — Кунига атига ярим литр керосин сарфлаб чироқ ёққаним эвазига шунча пул.

Эртаси куни кечга Ривер-стритдаги 52-Ғ уйнинг иккинчи этажидаги зим-зиё хоналардан бирининг деразасидан яшил нур тарала бошлади.

Рўпардаги уй олдидаги пиёдалар йўлагидан ўтаётган икки йўловчи бироз муддат дераздан тушаётган нурга термулиб туришди. Кейин Стильтон шериғига қарата сўз қотди:

— Хуллас, азизим Реймер қачонки бирор нимадан зерикиб қолсангиз бемалол шу ерга келиб, мана бу деразага қараб кайфиятингизни чоғ қилишингиз мумкин. Анави дераза ортида бир лақма ўтирибди. Ўша ахмоқ арзон баҳога узоқ муддатга сотилган. У кун келиб зерикишдан ақлдан озади. Бироқ нимани кутаётганини ўзи ҳам билмай интиқ бўлиб яшайверади.

Чиндан ҳам деразадан тушиб турган чироқ нури ортидан кўчага илҳақ бўлиб термулиб турган одам шарпасини пайқаш мумкин эди.

— Аммо шуниси ҳам борки, ахмоқликда сиз ҳам бу лақмадан қолишмайсиз шекилли, қадрдоним,— дея Стильтоннинг елкасига қўлини ташлагана гапни илиб кетди Реймер. — нимаси қизиқ бу тахлит ҳазилнинг хайронман.

— Қўғирчоқ, дўстим. Қўғирчоқ!— юзида ўзгача бир айёрона муғамбирлик зоҳир бўлди Стильтоннинг. — Тирик одамни қўғирчоқ мисол измингга солиш завқи..!

## II

1928 йил... Лондон четидаги камбағаллар ва бечоралар учун мўлжалланган шифохона... Чор тарафдан оғриқдан қийналаётган кимсалар фарёдига тўла... Оёғи синиб оғриқдан дод солаётган, кўриниши аянчли бир ҳолдаги кексани олиб келишди. Тунги қиморхонанинг қоронғу зинасидан йиқилиб оёғини синдириб олганди бу эркак.

Жабрдийдани жарроҳлик бўлимига олиб келишди. Вазият анчайин жиддий бўлиб, суякнинг қалтис синиши натижасида томирлар ва тери тўқималари узилган.

Бечорани кўриқдан ўтказган жарроҳ зудлик билан зарарланган тўқималарни олиб ташлаш керак деган хулосага келди. Анчайин кучдан қолган қария жарроҳлик амалиётидан кейин тезда ухлаб қолди. Уйғонганида олдида ўнг оёғини кесиб ташлаган жарроҳ турарди.

— Шундай қилиб фалакни гардиши билан яна учрашдик!— деди баланд бўйли жиддий қиёфали доктор хомуш овозда.— мени танидингизми жаноб Стильтон? Мен Джон Ивман. Ўша ҳар куни яшил чироқ ёқишим эвазига сиз пул тўлаб турган. Сизни бир кўришдаёқ танидим.

— Минг ланъат!— кучсизгина шивирлади Стильтон.— Нима бўлди? Бу қандай юз берди? Бундай бўлиши мумкинми ахир?

— Ҳа. Бари гувоҳ бўлиб турганингиздай. Яхшиси сиз ҳаёт тарзингиз қандай қилиб бу даражада кескин ўзгариб кетганини айтиб беринг.

— Мен хонавайрон бўлдим. Биржадаги жиддий йўқотишлар... Омадсизлик... Уч йил олдин касодга учрадим ва кўриб турганингиздек ҳозир ҳеч кимман. Сизчи? Сиз қандай қилиб..?

— Мен бир неча йил чироқ ёқиб юрдим, — бир кулиб хикоя қила бошлади Ив. — Аввалига зерикишдан қочиш мақсадида китоб ўқий бошладим. Кейинчалик бу иш севимли машғулотимга айланди. Ва қўлимга нима тушса ўқиб ўргана бошладим. Бир кун ўзим яшаган хона бурчагидаги

жавон тоқчасидан эски анатомия китобини топиб олдим. Шунда ўзим учун янги олам кашф этгандай бўлдим. Худди сеҳрлангандай туни билан китобни ўқиб чиқиб, тонг отиши билан кутубхонага йўл олдим. Бу ерга келиб «доктор бўлиш учун нималарни ўрганиш керак» деб сўрадим. Шенда кулгу аралаш: «математика, геометрия, фармакология, биология, ботаника, зоология морфология, латин тили ва ҳоказоларни» дейишди. Бироқ қайсарликни қўймай барчасини эслаб қолдим.

Бу пайтга келиб чироқ ёқаётганимга икки йил бўлиб қолганди. Бир куни кечга томон уйга қайтсам(ўша кезлар худди дастлабки кунлардагидай етти соат уйдан чиқмай ўтишим шарт деб ҳисобламасдим), шляпа кийган бир эркак деразамдан тушаётган нурга разилона тикилиб турарди. «Ив— ўз даврининг тенгсиз лақмаси!— тўнғилларди ўша киши мени пайқамай. — У ҳалиям ваъда қилинган мўжизани кутиб яшаяпти..ҳа, унда ҳар ҳолда келажакка озгина бўлсада умид бор... мен бўлсам.. деярли ҳамма нарсани бой бердим!» Бу сиз эдингиз. Яна қўшиб қўйдингизки: «Аҳмоқона ҳазил. Пулни беҳудага совуриш кекакмас».

Ўқиб ўрганишим учун анчагина китоб сотиб олиб қўйганим боис бу гапларга эътибор қилмасдан ўз ишимда давом этишга аҳд қилдим. Аммо ўшанда сизга мушт тушириб қолишимга бир баҳя қолган. Фақатгина сизнинг шу ҳақоратомуз сахийлигингиз туфайли ўқимишли инсонга айланганлигим туфайли ўзимни босдим.

— Кейинчи?— секингина қизиқсиниб сўради Стилтон

— Кейинми? Янада қизиқ. Агар хошиш кучли бўлса унинг рўёби узоқ куттирмас экан. Мен билан бирга турган талаба менга ёрдам берди. Бир ярим йиллик машғулотлардан сўнг тиббиёт билим юртига имтиҳон топширдим. Кўриб турганингиздек, бугун шифокорман.

Орага сукут чўкди.

— Анчадан бери деразангиз олдига бормадим,— Стилтоннинг қалтироқ овози жимликни бузди.— Лекин биласизми, менга ҳалиям ўша қоронғу деразадан яшил чироқ нур сочиб тургандек туюлади. Мени кечиринг.

Ив соатини чиқарди.

— Соат ҳам ўн бўлай дебди. Сиз ётиб дам олишингиз керак,— шифокорларга хос меҳрибонлик билан сўзлай кетди у. Уч ҳафтадан кейин тар этсангиз бўлади шифохонани. Тузалиб чиққач менга қўнғироқ қилиб боғлансангиз сизга амбулаториямиздан иш бераман. Келган беморларни қайд қилиб борасиз...

... Ҳа яна бир гап: бундан буён эҳтиёткорроқ бўлинг, қоронғу йўлақларда ҳеч бўлмаса гугурт ёқинг!

**@kutubxonaN1**